

## ЎЗБЕК МИЛЛИЙ МУСИҚАСИ ВОСИТАСИДА ТАЛАБА ЁШЛАРДА ИЖОДКОРЛИК ТАФАККУРИНИ ЎСТИРИШ

**Ходжаева Мавлудахон Латиповна**

Туркистон янги инновациалар университети магистранти

Андижон давлат педагогика институтининг Ижтимоий гуманитар фанлар ва санъат  
факультетининг “Тасвирий санъат ва мусиқа таълими”

кафедрасининг концертмейстри

### Аннотация

Мақолада ёш авлоднинг ҳозирги кунда мусиқа тарбияси орқали, ўзбек миллий мусиқамизни ўрганиш жараёнида, ижодкорлик тафаккури, образли тасаввур қилиш, ўз қобилиятини тўла намоён қилиш, мулоҳаза ва суҳбат доирасини кенгайтириб, ўзбек халқининг миллий кадриятлари, урф одатларимизни кадрлайдиган, маънан етук жисмонан соғлом, қилиб тарбиялаш масаласи кўриб чиқилган.

В статье рассматривается вопрос воспитания молодого поколения посредством музыкального образования, в процессе изучения нашей узбекской национальной музыки появлять творческое мышление, умение фантазировать, расширять рамки дискуссии и беседы, воспитывать их в должном качестве психически зрелые и физически здоровые, ценящие национальные таланты и обычаи узбекского народа,

The article deals with the issue of educating the young generation through music education, in the process of studying our Uzbek national music, to show creative thinking, the ability to imagine, to expand the scope of discussion and

conversation, and to raise them to be mentally mature and physically healthy, who appreciate the national talents and customs of the Uzbek people.

### **Калит сўзлар:**

**Мумтоз асарлар** – миллий ва жоҳон бадий маданияти хазинасини ташкил этган, кўпчилик томонидан тан олинган машхур асарлар сисиласи.

**Классика** – ряд известных, признанных многими произведениями составляющих сокровище национальной и мировой художественной культуры

**Classic** - a series of well-known works recognized by many, which constitute the treasure of national and world artistic culture

Ўзбекистон ўзига ҳос тараққиёт йўлида бораётган бир даврда ўтган аждодларимиздан қолган маданий меросни тиклаш ва ривожлантириш асосида, ёшлар маданиятини ва маънавиятини юксалтириш бугунги куннинг долзарб муаммоларидан биридир.

Шундай экан авлодларимизга аждодларимиздан мерос бўлиб қолган, асарлардан асарларга ўтиб келаётган ўзига ҳос мумтоз мусиқамиз, миллий қадриятларимиз, буюк мутафаккирларимиз ҳаёти ва ижоди билан талабаларни таништириш ҳар бир мусиқа ўқитувчиси олдида турган асосий вазифадир. Ўзбек мусиқа санъати қадимий ва ранг – баранг анъаналарни ўзида мужассам этган маънавий меросдир. Кўшиқ, куй, мусиқа инсоният томонидан ўйлаб топилган авлоддан – авлодга ўтиб келадиган энг қадимий санъат туридир. Мусиқа фанидан дарс берувчи педагогларнинг ҳозирги кундаги асосий вазифаси ҳақида фикр юритар эканмиз, И.А.Каримов ўзининг “Юксак маънавият энгилмас куч” асарида алоҳида таъкидлайди: “... агар инсоннинг қулоғи энгил – елпи, тумтароқ оҳангларга ўрганиб қолса, бора – бора унинг бадий диди мусиқа маданияти пасайиб кетиши, унинг маънавий оламини сохта тушунчалар егаллаб олиши ҳам ҳеч гап емас. Оҳир оқибатда бундай одам “Шашмақом” сингари, миллий меросимизнинг ноёб дурдоналарини ҳам

Мотсарт, Бетховен, Бах ва Чайковский каби дунё тан олган композиторларнинг асарларини қабул қилиши қийин бўлади...” муסיқий таълимни ривожлантириш масалалари ўта муҳим аҳамият касб етади. Зеро инсон камолотида ҳар бир давр муҳим аҳамият касб етгани ҳолда, олий ўқув юртида ўқиш даври талабаларнинг маълум касбга юксак тайёргарлик даражасида йўналтириш лозим. Чунки бўлажак ўқитувчилар ўз навбатида, ёш авлодни камолга етказишда асосий восита бўлиб ҳисобланади. Ўзбек миллий муסיқа меросимизда ўзбек халқиға мос бўлган миллий анъаналар лапарлар, хонишлар, айтишувлар, катта ашула, мавригийлар, мумтоз куй ва қўшиқлар, мақомлар, суворалар, дostonлар, ўзига ҳос маҳаллий услубларда ўз аксини топган. Шу нуқтаи назардан Республикамизнинг барча олийгоҳларида техникумларда ва мактабларда жаҳон ва қардош мумтоз муסיқа маданияти билан бир қаторда ўзбек муסיқа мероси ҳам ўргатиб келинмоқда. Ҳар бир халқнинг унинг ҳис – туйғуларини, дунёқараши, дардини ифодалаб беришдек кучға ега. Қайси бир халқ бўлмасин ўзининг қадимий миллий мероси билан бошқа халқ миллий муסיқасидан фарқ қилади. Шундай экан биз талабаларға, қайси халқ куй қўшиқларини ўргатмоқчи бўлсак, унинг тарихи, маданияти, санъати ҳақида батафсил маълумот бериш керак.

Маълумки муסיқий ижрочилик педагогикаси соҳасига бир қатор ўзига ҳос бўлган талаблар қўйилган. Педагог бўлғуси созандани тарбиялар экан, унда ўргатиладиган чолғуга нисбатан меҳр уйғота олиши керак. Бунинг учун педагогик репертуар таркибига доимий равишда чолғуда яхши жаранглайдиган асарларни ҳар бир халқни миллий муסיқа меросини ёрқин ифодалайдиган асарларни танлаш лозим. Талабалар қайси чолғу созида сабоқ олишидан қатъий назар, миллий муסיқамиз тарихини, миллий қадриятларини, композитор ёки бастакорларни ҳаёти ва ижодини ўрганишлари сўнгра асарни ижро етишға киришишлари мумкин. Созанданинг ижро техникаси қанчалик юқори бўлмасин, агар у асарнинг тарихи, бадий хусусиятларини очиб беролмаса, атрофдагиларда ва тингловчиларда яхши таассурот қолдира олмайди. Асар

устида ишлаганда ҳар бир штрихни яхши ўзлаштиришга ва яхши товуш ҳосил қилишга еътибор беришлари керак. Танланган миллий мумтозмусиқаси устида иш олиб бориш жараёнида, аввало асарни ўқитувчи ижросида ёки СД-Рдискида ешиттиб талаба билан биргаликда таҳлил қилиши ва талабага асар мазмунини ўргатиш юзасидан вазифалар бериши керак. Чалиш жараёнида еса созни тўғри ушлаш, созлардан ҳосил бўлган товушни тўғри йўналтира билиш, чалиш жараёнида бармоқларни жойлашуви ўнг қўл, чап қўл ҳаракатлари ҳамда аппликатурадан тўғри фойдаланишни ўргатиш керак. Ўқитувчи талаба билан шуғулланар екан ҳар бир машғулотда музиқани ҳис қилиш, сезиш каби нозик туйғуларни шакллантира бориш зарур. Ижодкор ўқитувчи ўз соҳаси бўйича янгича педагогик технологиялардан ҳам самарали фойдаланиши керак, машғулотларни ноанъанавий шаклда ташкил етиш, созда ижро ўрганиш самарадорлигини оширади. Интерфаол методлардан фойдаланиш, ўйинга асосланувчи фаолиятнинг моҳияти, ўрганиладиган асарни тез ва оз куч сарфлаб ўзлаштиришга ёрдам беради. Интерфаол методларда берилган вазифа ва топшириқлар, талабаларни ўзлари муаммони ечимини мустақил топишга ўргатади. Ўзбек миллий музиқамизни ўрганиш жараёнида талаба ёшларни ижодкорлик тафаккури, образли тасаввур қилиш, ўз қобилиятини тўла намоён қилиш, мулоҳаза ва суҳбат доирасини кенгайтириб, чуқурроқ маълумотга ега бўлиш, ўқитувчи ва гуруҳлар ўртасида ҳамкорлик қарор топиши каби жараёнлар мустаҳкамланади. Талаба – ёшларда ижодкорлик тафаккурини ўстиришда , ўқитувчи педагогик маҳоратга ега, изланувчан, ижодкор гуруҳда ижодий изланувчанлик фаолиятини такомиллаштириш ва талабаларда фанга қизиқувчанлик, интилувчанлик туйғуларини шакллантира оладиган бўлиши керак.

Бундай малакаларни ўзлаштириш жуда мураккаб бўлиб муайян вақтни талаб етади. Шунга қарамай ўйин методларини қўллаш натижасида талабалар музиқанинг назарий ва амалий соҳасини пухта ўзлаштириб боради, егаллаган

ижровий малака ва маҳорати янада ўсади, ички ҳис – туйғулари билан муסיқани идрок етишга ўрганадилар, дарс самарадорлиги кўтарилади.

Хулоса қилиб айтганда талабалар, уч йиллик ўқиш даврида созларда мукамал мумтоз асарларни ижро етиш билан бирга ўзбек миллий муסיқамизни тарихи, миллий қадриятларни еъзозлаш ва қадрлашга ўрганадилар. Мумтоз куй ва қўшиқларимиз талабаларимизни маданияти ва маънавиятини шакллантиради. Ҳар қандай жамиятнинг келажаги ёшлар экан, келажаги буюк давлат барпо етиш, уларни қандай тарбия олишига боғлиқ.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. И. А. Каримов. “Юксак маънавият – енгилмас куч” Т.: 2008, 141-бет
2. Г. Шарипова. “Муסיқа ўқитиш методикаси” Т. : 2017, 4- бет
3. Г. Шарипова. “ Муסיқа ва уни ўқитиш методикаси” Т. : 2006, 3- бет